

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
кўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган
мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

*(2024 йил биринчи чораги давомида келиб тушган мурожаатлар
таҳлили)*

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан 2024 йилнинг дастлабки 3 оyi давомида **639 та** мурожаат келиб тушган.

Мурожаатларнинг **617 таси** (96,5%) Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали, **10 таси** (0,1%) *ёзма*, **12 та** (0,2%) *оғзаки*) эса бевосита Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига келиб тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 77,09% ижобий ҳал этилган ёки ҳуқуқий маълумот бериш орқали қаноатлантирилган, 21,4% мурожаатга умумий мазмундаги тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларнинг **18 таси** мурожаатга белгиланган муддатидан кечикиб, шундан **12 тасига** 30 кунлик муддатидан кечикиб жавоб берилган. **17 та** мурожаат (такрорий, аноним бўлганлиги ёки муаллифнинг қайта мурожаатига кўра) кўрмасдан қолдирилган.

Мурожаатлар таснифи бўйича:


Республика аҳолиси ва соҳа ходимларининг мурожаатларида охириги йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаган масалалар,

- Санитария-эпидемиологик осойишталик бўйича – 55%, булар:
 - санитария назорати билан боғлиқ,
 - СанҚваМга риоя этилмаслиги,
 - юқумли касалликлар профилактикаси боғлиқ (*ВГга эмлаш, бепул тиббий ёрдам*)
 - тиббий муассасаларнинг санитария ҳолатининг қониқарсизлиги тўғрисида,
 - ичимлик суви, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида.
- Меҳнат муносабатлари – 20%, булар;
 - *иш ставкасининг камлиги,*
 - *ишдан ноқонуний бўшатилганлиги, меҳнат шартномасини ходим билан келишмаган ҳолда бекор қилинганлиги*
 - *бошиқа меҳнат низолари.*
- Раҳбар ходимларининг ҳатти-ҳаракатидан норозилик – 6%.
- Дезинфекция тадбирлари – 3%.
- Тиббий муассасаларнинг фаолиятдан норозилик – 2%.

5. Бошқа масалалар (тадбиркорлик фаолияти, санитария-эпидемиологик хулосалар билан боғлиқ ва б.) 12%;

6. Мурожаат турларига киритилмаган аризалар 0,5% (соҳага оид таклифлар, миннатдорчилик ва ташаккурномалардан иборат).

Мурожаатлар бўлими бошлиғи



Н.Абдурахмонов

« 08 » 04 2024й